

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА  
МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**РЕСПУБЛИКА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА МЕҲНАТНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИДА БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ**

(социологик тадқиқот натижалари, июль-август 2018 йил)



**Тошкент 2018**

## I. ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ (РЕЗЮМЕ)

2018 йилнинг 1 ярим йиллик якунлари бўйича ўтказилган социологик тадқиқот Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази масъул ходимлари ҳамда ҳудудлардаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари ходимларидан иборат гуруҳлар томонидан амалга оширилди.

**Мақсад ва вазифалари.** Мазкур социологик тадқиқот банд бўлмаган аҳоли сонини ҳисоблаш учун маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар сонини аниқлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 62 та туман ва шаҳарларида “Уй хўжаликларида бандлик масалаларини ўрганиш” сўровномаси (Анкета) асосида ўтказилди.

Мазкур ўрганиш асосида меҳнат ресурсларини баҳолаш, ҳисобот ва прогноз баланслари ҳамда иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлган фуқароларнинг сифат таркиби тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

**Тадқиқот ўтказиш методологияси.** Сўров ўтказиладиган уй хўжалиklarини саралаш ҳар бир туман (шаҳар) бўйича маълумотларнинг намунавийлигини таъминлаш мақсадида, ҳар бир туман (шаҳар)да уй хўжалиklarининг 0,3 фоиздан кам бўлмаган миқдорини қамраб олиш орқали амалга оширилди. Уй хўжалиklarини танлаш икки босқичда амалга оширилди.


Биринчи босқичда аҳоли пунктлари саралаб олинди. Бу жараён ҳар чоракда бир марта амалга оширилиб, бир йилда жами 4 марта ўтказилади. Аҳоли пунктларини саралаб олиш эҳтимоли ундаги мавжуд уй хўжалиklarинг (ёки аҳоли) сонига боғлиқ.

Танлашнинг иккинчи босқичида эса – уй хўжалиklarини саралаш амалга оширилади. Меҳнат органларининг ҳудудий бошқармалари белгиланган тартибда барча уй хўжалиklarи рўйхатини саралаб олинган аҳоли пунктлари бўйича электрон тарзда шакллантиради. Ушбу рўйхат асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги уй хўжалиklarини саралашнинг иккинчи босқичини амалга оширади ҳамда келгуси уч ойдаги ўрганишда фойдаланиладиган уй хўжалиklarи рўйхатини шакллантиради.

Мазкур социологик тадқиқотга Марказ ходимлари билан бир қаторда ҳудудлардан **52 нафар** малакали мутахассисларни (давлат ва нодавлат ташкилотлари, олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари ходимларини) шартнома асосида интервьюер

сифатида жалб қилинди. Интервьюерлар учун социологик сўровни ўтказиш тартиби ва методологияси юзасидан ўқув семинар-тренинг ўтказилди.

Худудлардан жалб қилинган интервьюерлар айрим миқдор ва сифат кўрсаткичларининг тахлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:



### Расм 1. Интервьюерларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши

Интервьюерларнинг аксарият қисми олий маълумотли бўлиб, 50% олий ва ўрта-махсус таълим муассалари, 40% давлат (маҳаллий) бошқарув орган ва 10% нодавлат ташкилотлари ходимларини ташкил этади.

Уй хўжаликларида сўровнома ўтказиш - интервьюернинг ўрганиш ўтказиладиган уй хўжаликлари рўйхатида қайд этилган уй хўжаликаларига бевосита ташриф буюриши орқали амалга оширилди. Барча кузатув бирликлари бўйича анкета саволларига жавоблар уй хўжалиги бошқа аъзоларининг бандлигини аниқлашда ўзини ваколатли деб ҳисоблайдиган 18 ёшдан кичик бўлмаган уй хўжалиги аъзосидан олинади.

**Ўрганиш натижалари.** Социологик сўров дастурига асосан Республиканинг танланган худудларида жами 310 та маҳалланинг 3100 та уй хўжаликларида уйма-уй кирган ҳолда социологик сўров ўтказилади. 2018 йил август ойида ўтказилган социологик тадқиқотда танлаб олинган массив 3410 бирликни ташкил этди, шундан 310 та фуқароларни ўзини ўзи органларининг (маҳалланинг) ва 3100 та уй хўжаликларида уйма-уй кирган ҳолда социологик сўров ўтказилди. Танлаб олишни (выборка) шакллантириш халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида (46 туман ва 16 шаҳарда жойлашган 310 маҳаллалар) амалга оширилди.

Умуман кузатув натижасига кўра аҳоли асосан - давлат ташкилотлари ва муассаларида, ижтимоий соҳаларда, саноат ва қурилиш тармоқларида, савдо, умумий овқатланишда, тадбиркорлик, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ва ташқи меҳнат миграциясида бандлиги маълум бўлди. Табиийки қишлоқ жойларда жойлашган

маҳалла аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида яъни деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ўзининг шахсий томорқасида банд. Бундан ташқари жойларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликда банд бўлганларнинг фаоллиги муайян ўсиши рўй бермоқда.

Шундай қилиб, Республика бўйича социологик сўров билан 3100 уй хўжалигидан 16425 та аҳоли сони қамраб олинди.

Тўпланган маълумотлар асосида меҳнат ресурслари баланси ҳудудлар (туман, шаҳарлар) кесимида ҳисобланиб Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига, шунингдек бошқа тегишли ташкилотларга 2-иловада келтирилган шакл кўринишида юборилади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотиغا кўра 2018 йил 1 июль ҳолатига республикада аҳолининг ўртача сони 32 778,4 минг кишини ташкил этади. Шунингдек, жорий йилнинг январь-июнь ҳолатига кўра меҳнат ресурслари 18 792,2 минг кишини ташкил этган ҳолда улардан 18 676,2 минг киши меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолини ва 116,0 минг киши пенсия ёшидаги ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик бўлган иқтисодиётдаги банд кишиларни ташкил этган. Шундан, иқтисодий фаол аҳоли 77,5% ташкил этган бўлса, иқтисодий нофаол аҳоли 22,5% тўғри келган.

Маълумотларга кўра жами бандларнинг 2/5 қисми расмий секторда шаклланган бўлиб, I-чоракка қараганда 29,7 минг кишига камайиши кузатилди. Бу эса статистик маълумотлар базасига асосланган иқтисодиёт тармоқларидаги (юридик шахслардаги) бандларнинг камайиши билан изоҳланади.

Норасмий фаолият орқали бандликни таъминловчилар сони эса кам миқдорда ортгани билан норасмий секторнинг таркибий индикаторларида I-чоракка нисбатан кескин ўзгаришларни кузатиш мумкин. Ўрганиш натижаларига кўра энг кўзга ташланадиган фарқ бу ташқи меҳнат миграцияси иштирокчилари билан боғлиқ. Бу индикатор январь-март кўрсаткичига нисбатан 2,2 баробарга ортганлигини кузатишимиз мумкин. Яхши маълумки, республикадан ташқарига ишлашга борувчиларни ўрганиш, улар ишга борадиган мавсумнинг энг юқори даврига тўғри келди. Шунингдек, қўшни давлатларга бориб-келиш транспорт инфратузилмасидаги ижобий ўзгаришлар, давлат чегараларидан кириб-чиқишдаги соддалаштирилган тартиб ҳамда қонунчиликдаги ташқи мигрантлар учун яратилган бошқа қатор имтиёзлар улар сонининг кескин ортиб кетишига олиб келди.

Рўйхатдан ўтмаган ишга жойлаштиришга муҳтож банд бўлмаган аҳоли сонининг I-чоракка нисбатан камайиши иқтисодий фаол аҳолининг ҳам камайишига олиб келди.

Албатта бу ўз-ўзидан ишсизлик даражасини 0,4 пунктга камайиб республика бўйича 9,3% бўлишини таъминлади. Иш билан банд бўлмаганлар сони катта бўлган вилоятлар, аҳоли сонини юқори бўлиши билан корреляция бўлди. Бунда, хусусан Фарғона (10,0%), Андижон (9,9%), Сурхондарё (9,9%), Самарқанд (9,8%) ва Қашқадарё (9,8%) вилоятларида ишсизликнинг юқори бўлиши кузатилди. Иш билан банд бўлмаганларнинг 63,1% 30 ёшгача бўлганлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, иш билан банд бўлмаганлар таркибида эркаклар ва аёллар сони деярли бир хил бўлиб, мос равишда 51,3 ва 48,7% ташкил этди.

Кузатув натижасига кўра аҳоли асосан - давлат ташкилотлари ва муассаларида, ижтимоий соҳаларда, саноат ва қурилиш тармоқларида, савдо, умумий овқатланишда, тадбиркорлик, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ва ташқи меҳнат миграциясида бандлиги маълум бўлди. Табиийки қишлоқ жойларда жойлашган маҳалла аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида яъни деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ўзининг шахсий томорқасида банд. Бундан ташқари жойларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликда банд бўлганларнинг фаоллиги муайян ўсиши рўй бермоқда.

**Тадқиқот натижасига кўра** аҳоли бандлиги масалалари борасида долзарб муаммолардан - доимий ишчи ўринларини етишмаслиги, ёшларни ишга жойлаштириш, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлашнинг камлиги муаммолари мавжуд.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан норасмий равишда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчилар асосан қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

- хонадонларда чакана савдо яъни, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилиш (мева ва сабзавотларни консервация қилиш, новвойхона - уйда нон ёпиш, мебелларни таъмирлаш, дераза ва эшик ромларини тайёрлаш, сантехника хизматлари ва бошқалар);

- хонадонларда истеъмол ва ноистеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, хусусан, миллий ширинликлар, миллий таомлар тайёрлаш ва сотиш;

- сартарошлик хизмати, автомобиллар ва бошқа турли маиший хизмат техникаларини таъмирлаш, косибчилик, бичиш-тикиш каби хизматлар.

Хонадонлар, хусусий уйлар, гаражларда якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи маиший истеъмолчилар фойдаланилган электр энергияси учун тадбиркорлик фаолиятининг (савдо, хизматлар кўрсатиш, товарлар ишлаб чиқариш ва бошқа) тури бўйича электр энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳига мувофиқ ҳақ тўлайдилар.

**Аҳоли бандлигини ва иш ўринларини ташкил этиш ҳолатларини яхшилаш**

## **бўйича таклиф ва тавсиялар:**

- самарадорлиги юқори бўлмаган иш ўринлари ўрнига амалга оширилаётган йирик инвестицион ва инновацион лойиҳалардан келиб чиққан ҳолда ишчи кучининг ҳудудий қайта тақсимооти ва юқори технологияли иш ўринлари яратилишини рағбатлантириш бўйича ҳудудларни ривожлантириш дастурлари доирасида чоратадбирларни амалга ошириш ва қайта ишлаб чиқиш;

- тадқиқот натижасига кўра иш билан банд бўлмаган аҳоли орасида ёшларнинг улушининг кўплиги ва айнан ўрта махсус касб-хунар коллежларини битирган ёшларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашмаганлигининг асосий сабаби бу касб (ихтисосликларни) битирган ёшларнинг меҳнат бозори талабларига жавоб бермаслиги кузатилди. Шулардан келиб чиқиб ихтисосликларнинг ўзлаштирилиши мураккаблигини эътиборга олган ҳолда дифференциаллашган (3, 6, 12, 18 ва 24 ойлик) касб-хунарга тайёрлаш ўқув курсларини жумладан кам таъминланган оилалар фарзандлари учун мазкур ўқув курсларини ижтимоий контракт асосида ўқитилиши ташкил этиш;

- хизмат кўрсатиш соҳасини, оилавий тадбиркорликни ва касаначиликни янада ривожлантириш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини имкониятларидан фойдаланган ҳолда норасмий фаолият юритадаиган тадбиркорларни расмийлаштириш (расмий секторга ўтказиш) механизмини такомиллаштириб амалда татбиқ этиш;

- рўйхатдан ўтмаган бизнесни хатловдан ўтказиш (инвентаризация қилиш), улар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш ҳамда оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш ва юритишдаги меъёрий ҳужжатларни янада соддалаштириш асосида норасмий фаолиятни камайтириш механизмини ишлаб чиқиш шунингдек норасмий бандликни камайтириш бўйича ижобий (намунавий) тажрибаларни, яъни корхоналарда, соҳаларда, ҳудудларда, жисмоний шахсларни норасмий меҳнат фаолиятдан расмий бандликка ўтишини тарғибот қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

- хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантлари орасидан янги замонавий касбни эгаллаган меҳнат мигрантларини ўзининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиб ва юритишлари учун зарур ҳолатларда уларни банк хизматлари, Савдо саноат палатаси, Бандликка кўмаклашиш маркази инспекторларининг маслаҳатларидан фойдаланган ҳолда ўрганган касб маҳоратларидан фойдаланишларида кўмаклашиш ва ижтимоий ҳолатини (аёллар, ёшлар ва б.) ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндашув асосида қайтиб келган меҳнат мигрантларни жамиятга фаол мослашувини ва ихтисослашган иш ўринларини ташкил этиш муаммосини ҳал этиш;

- маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли ва меҳнат мигрантлари тўғрисидаги асосий маълумотларни (*аҳоли, уй хужаликлари, оилалар сони, аҳолининг демографик структураси, бандлик структураси жумладан меҳнат мигрантлари, ишсизлар ва х.к.*) ҳар чоракда шакллантириш ҳамда мониторингини ўтказиш ҳудудлардаги маҳалла фуқаролар йиғини томонидан амалга ошириш;

- ҳудудий меҳнат бошқармалари, Бандликка кўмаклаш марказлари ходимларини малакасини ошириш курслари дастурига киритилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №97 ва №1011-сон қарорларининг мазмун-моҳиятини, социологик тадқиқотлар ўтказиш тартибини, олинadиган натижаларни таҳлил қилиш ва қўлланилиш соҳаларини тушунтиришда Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази ходимларини жалб қилиш;

- ишсизликни баҳолаш методологиясини такомиллаштириш, шунингдек бандликни доимий мониторинг қилиш тизимини шакллантириш, шу жумладан, турли ҳудудий кесимда ва аҳолининг ҳар хил қатламлари даражасида, норасмий ва қўшимча бандликнинг ривожланиш тенденцияси ва махсус танланма кузатиш орқали меҳнат миграцияси иштирокчилари ва вақтинчалик банд бўлганларнинг янада аниқ ҳисобини юритиш.

**Расчетный баланс трудовых ресурсов по Республике Узбекистан  
за январь-июнь 2018 год**

№	Показатели	январь-март 2018 года	январь-июнь 2018 года (оценка)	2018 год январь-июнь к 2018 год январь-март	
				(+,-)	(%)
<b>I</b>	<b>Экономически активное население</b>	<b>14624,7</b>	<b>14569,5</b>	<b>-55,2</b>	<b>99,6</b>
<b>1</b>	<b>Занятые, всего</b>	<b>13198,9</b>	<b>13219,9</b>	<b>21,0</b>	<b>100,2</b>
	В том числе:				
<b>1.1.</b>	<b>Занятые в официальном секторе экономики:</b>	<b>5347,0</b>	<b>5317,3</b>	<b>-29,7</b>	<b>99,4</b>
	Из них:				
1.1.1.	Занятые в отраслях экономики (в юридических лицах)	4593,8	4515,3	-78,5	98,3
1.1.2.	Предприниматели без образования юридического лица, имеющие патент (лицензию)	293,3	333,7	40,4	113,8
1.1.4.	Занятые в дехканских хозяйствах	12,1	20,5	8,4	169,4
1.1.5.	В прочих учреждениях и организациях	447,8	447,8	0,0	100,0
<b>1.2.</b>	<b>Занятые в неофициальном секторе экономики</b>	<b>7851,9</b>	<b>7902,6</b>	<b>50,7</b>	<b>100,6</b>
	Из них:				
1.2.1.	Выполняющие временные разовые и сезонные работы	1682,6	1632,5	-50,1	97,0
а)	выполняющие временные разовые работы	813,5	752,4	-61,1	92,5
б)	выполняющие временные сезонные работы	869,1	880,1	11,0	101,3
1.2.2.	Помогающие члены семьи и помогающие предпринимателям без оформления трудовых отношений	1066,9	807,4	-259,5	75,7
1.2.3.	Предприниматели работающие без регистрации и соответствующего разрешения	2055,3	1264,4	-790,9	61,5
	Из них:				
а)	работавшие на рынках (торговля, обслуживание покупателей и продавцов, челночный бизнес) и торговавшие вне рынка (с лотка, вне стационарных точек торговли)	943,8	587,3	-356,5	62,2
б)	другие виды предпринимательства (частный извоз, ремесленничество, бытовые услуги населению)	1111,5	677,1	-434,4	60,9
1.2.4.	Занятые в дехканских хозяйствах	1837,7	1554,2	-283,5	84,6
1.2.5.	Выехавшие на работу за пределы республики	1209,4	2644,1	1434,7	218,6
<b>2</b>	<b>Лица, нуждающиеся в трудоустройстве</b>	<b>1425,8</b>	<b>1349,6</b>	<b>-76,2</b>	<b>94,7</b>
	Из них:				
2.1	Официально зарегистрированные безработные	43,4	82,3	38,9	189,6
2.2	Не зарегистрированные незанятые граждане, желающие и готовые трудиться	1382,4	1267,3	-115,1	91,7
<b>II</b>	<b>Экономически не активное население</b>	<b>4145,7</b>	<b>4222,7</b>	<b>77,0</b>	<b>101,9</b>
	Из них:				
2.1.	Обучающиеся с отрывом от производства	1681,6	1673,7	-7,9	99,5
2.2.	Женщины, находящиеся в отпуске по беременности и родам, или уходу за детьми в возрасте до 2-х лет	1707,4	1711,7	4,3	100,3
2.3.	Не желающие работать или не имеющие возможность приступить к работе немедленно	756,7	837,3	80,6	110,7
<b>III</b>	<b>Всего трудовых ресурсов</b>	<b>18770,7</b>	<b>18792,2</b>	<b>21,5</b>	<b>100,1</b>
	Из них:				
3.1.	Трудоспособное население в трудоспособном возрасте	18654,8	18676,2	21,4	100,1
3.2.	Лица пенсионного и младше трудоспособного возраста, занятые в экономике	115,9	116,0	0,1	100,1



## Расчетный баланс трудовых ресурсов Республики Узбекистан за январь-июнь 2018 года <sup>1)</sup>

Наименование регионов	Экономически активное население <sup>2)</sup>	Занятые, всего <sup>3)</sup>	В том числе:			Лица, нуждающиеся в трудоустройстве <sup>5)</sup>	Уровень безработицы	Экономически не активное население <sup>3)</sup>	Всего трудовые ресурсы <sup>2)</sup>	Население средне-годовая <sup>2)</sup>
			Занятые в официальном секторе экономики	Занятые в неофициальном секторе экономики	из них,, выехавшие на работу за пределы республики <sup>4)</sup>					
<b>Республика Узбекистан</b>	<b>14 569 480</b>	<b>13 219 904</b>	<b>5 317 278</b>	<b>7 902 626</b>	<b>2 644 128</b>	<b>1 349 576</b>	<b>9,3%</b>	<b>4 222 720</b>	<b>18 792 200</b>	<b>32 778 371</b>
Республика Каракалпакстан	771 839	707 375	281 922	425 453	159 213	64 464	8,4%	290 760	1 062 599	1 847 929
Андижанская область	1 401 898	1 263 229	414 796	848 433	336 025	138 669	9,9%	329 303	1 731 201	3 022 005
Бухарская область	894 869	816 144	350 786	465 358	157 620	78 725	8,8%	184 531	1 079 400	1 875 715
Джизакская область	505 236	462 941	178 652	284 289	81 184	42 295	8,4%	258 164	763 400	1 331 016
Кашкадарьинская область	1 341 300	1 210 276	484 601	725 675	195 894	131 024	9,8%	461 100	1 802 400	3 161 696
Навоийская область	444 028	406 292	242 027	164 265	41 491	37 736	8,5%	106 072	550 100	961 355
Наманганская область	1 156 904	1 048 323	315 152	733 171	231 925	108 581	9,4%	403 196	1 560 100	2 709 973
Самаркандская область	1 623 779	1 464 094	486 357	977 737	375 601	159 685	9,8%	471 920	2 095 699	3 736 660
Сурхандарьинская область	1 072 283	965 651	323 614	642 037	165 583	106 632	9,9%	365 718	1 438 001	2 526 089
Сырдарьинская область	393 449	360 510	163 268	197 242	75 881	32 939	8,4%	85 751	479 200	818 877
Ташкентская область	1 342 155	1 224 784	491 298	733 486	196 436	117 371	8,7%	285 645	1 627 800	2 868 956
Ферганская область	1 606 129	1 445 602	525 510	920 092	312 343	160 527	10,0%	435 171	2 041 300	3 632 583
Хорезмская область	782 465	707 658	259 528	448 130	169 888	74 807	9,6%	227 635	1 010 100	1 810 124
г. Ташкент	1 233 146	1 137 025	799 767	337 258	145 044	96 121	7,8%	317 754	1 550 900	2 475 393

<sup>1)</sup> Предварительные данные

<sup>2)</sup> Данные Госкомстата

<sup>3)</sup> Данные Госкомстата и оценка по результатам обследования июль-август 2018г.

<sup>4)</sup> Оценка по результатам обследования июль-август 2018г.

<sup>5)</sup> Данные Министерства занятости и трудовых отношений, оценка по результатам обследования июль-август 2018г.